

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМБЕРДИЕВ ШОХРУХБЕК РАВШАНБЕК ЎҒЛИ**

**ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ГИПОТИРЕОЗ  
КАСАЛЛИГИДА КОГНИТИВ ФАОЛИЯТ ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ, ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Рахимбердиев Шохрухбек Равшанбек ўғли**

Йод танқислиги шароитида гипотиреоз касаллигида когнитив  
фаолият ҳолатини баҳолаш, даволаш йўллари..... 3

**Рахимбердиев Шохрухбек Равшанбек ўғли**

Оценка состояний когнитивных функций при гипотиреозе в  
йоддефицитных условиях, пути коррекции..... 23

**Rahimberdiev Shohruhbek Ravshanbek o`g`li**

Evaluation of cognitive function in hypothyroidism in case of iodine  
deficiency, and ways of its correction ..... 43

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works ..... 47

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ  
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

**РАХИМБЕРДИЕВ ШОХРУХБЕК РАВШАНБЕК ЎҒЛИ**

**ЙОД ТАНҚИСЛИГИ ШАРОИТИДА ГИПОТИРЕОЗ  
КАСАЛЛИГИДА КОГНИТИВ ФАОЛИЯТ ҲОЛАТИНИ  
БАҲОЛАШ, ДАВОЛАШ ЙЎЛЛАРИ**

**14.00.13 – Неврология**

**ТИББИЁТ ФАHLАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ–2023**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2019.2.PhD/Tib925 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида ([www.tipme.uz](http://www.tipme.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган

**Илмий раҳбар:**

**Раҳимбаева Гульнора Саттаровна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Аликулова Нигора Абдукадировна**  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Раимова Малика Муҳамеджановна**  
тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд давлат тиббиёт университети**

Диссертация ҳимояси Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100007 Тошкент, Паркент кўчаси 51-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация билан Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_\_\_ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100007, Тошкент шаҳри, Паркент кўчаси 2-уй. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: info@tipme.uz).

Диссертация автореферати 2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ кунни тарқатилди.

(2023 йил «\_\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_\_\_\_ рақамли реестр баённомаси)

**Х.А. Акилов**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

**Б.Г. Гафуров**

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш  
кошидаги илмий семинар раиси, тиббиёт  
фанлари доктори, профессор

## КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги.** Бугунги кунда барча сурункали касалликлар орасида когнитив бузилишлар (КБ) бутун дунёда одамларнинг ногиронлик ва қарамлик ҳолатининг асосий сабабларидан ҳисобланиб, турли мутахассисликдаги шифокорлар амалиётида тобора кўпроқ дуч келадиган муҳим масалалардан бири. Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг (ЖССТ) статистик маълумотларига кўра, «...когнитив нуқсонлари деменция даражасига етган, 55 миллиондан ортиқ одам рўйхатга олинган. Бу кўрсаткич 2030-йилга бориб 78 миллионга, 2050-йилга келиб 139 миллионга етиши кутилмоқда»<sup>1</sup>. Қалқонсимон без гормонлари тубулин, актин, нейронал осис омили, калбендин ва миелин асосий оқсил каби нейроспесифик оқсилларни синтезида иштирок этади. Шу сабабли гипотиреозда когнитив бузилишларни эрта скрининглаш ва адекват терапияни ўз вақтида белгилаш, асоратли ҳолатларни камайтириш муҳим тиббий-ижтимоий муаммолардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда гипотиреозда неврологик ва когнитив бузилишларни ташхислаш, даволаш ва олдини олишни такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қўламдаги илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, гипотиреозда неврологик ва когнитив бузилишларнинг патогенетик ривожлиниш хусусиятларини, клиник кечишини аниқлаш, хамроҳ патологияларда (миокард инфаркти, ўтқир ва сурункали мия қон айлиниши бузилиши, эпилепсия ва бошқалар) қиёсий таҳлил ўтказиш, гипотиреозда глиал хўжайралар функционал ҳолатини, нейрпсихологик асоратларни ривожланишининг олдини олиш усулларини такомиллаштириш ва патогенетик нуқтаи назардан дифференсацияланган терапевтик ёндашувни аниқлаш, йод танқислиги шароитида гипотиреозда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш ва бирламчи профилактикага ёндашувларни такомиллаштириш оркали диагностика ва даволашни оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш алоҳида аҳамиятга эга.

Мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини тубдан яхшилаш ва соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантиришга қаратилган кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...асосий эътиборни...тиббий профилактикани кучайтиришга қаратиш ва «мақсадли» скрининг ўтказиш чораларини кўриш...»<sup>2</sup> каби вазифалар белгиланган. Ушбу вазифалардан келиб чиққан ҳолда, жумладан йод танқислиги шароитида гипотиреоз билан хасталанган беморларда когнитив бузилишларнинг олдини олиш бўйича ёндашувларни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотлар олиб бориш мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида», 2018 йил 7 декабрдаги ПФ–5590-сон «Ўзбекистон

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news/item/02-09-2021-world-failing-to-address-dementia-challenge>.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60-сон «2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» Фармони.

Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 30 августдаги ПҚ-3925-сон «Аҳолига неврологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида» ги қарорлар ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги.** Мазкур тадқиқот республика фан ва техникасини ривожлантиришнинг VI “Тиббиёт ва фармакология” устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Қалқонсимон без гормонларининг инсон миясига таъсири ҳақидаги изланишлардаги эришилган ютуқларга қарамай, гипотиреоздаги нейропсихологик асоратларининг қайтарилувчанлиги ҳақида илмий мунозаралар давом этмоқда. Гипотиреоз фонида СБМҚАБ билан хасталанган беморларда назорат гуруҳидаги беморларга қараганда когнитив бузилишлар кучлироқ намоён бўлишини, гипотиреоз фонида энцефалопатиянинг аралаш табиати исботланди, яъни қон томир ва метаболик тури (Г. А. Баранова 2011). Гипотиреозда асаб тизимининг шикастланиши доимий бўлиши ва кўп ҳолатларда мияча вазифалари бузилишлари, сезги полиневропатияси ва когнитив бузилишлар сифатида намоён бўлиши аниқланди (И.И. Шоломов ва бошқалар 2012). Қалқонсимон гормонлар этишмовчилиги глиал хужайралар функциясининг бузилишига олиб келишини аниқланди (Noda M 2015). NSE бирламчи гипотиреознинг неврологик асоратларининг оғирлигини тасдиқловчи ва билвосита аниқлайдиган маркер сифатида таклиф қилинди (Е. Б. Кузнецова ва бошқалар 2016). Гипотиреоз миянинг турли соҳаларида оксидловчи стресс ҳолатини ўзгартиради, бу эса тизимга кейинги боғлиқ йўллари кўзғатади. Шунингдек, гипотиреозда антиоксидант тизимнинг этишмаслиги хужайра кўпайиши ва хужайра ўлими билан боғлиқ сигнал йўллари тартибга солишда ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди (Baghcheghi Y ва бошқалар 2017). Субклиник гипотиреозда эҳтиёткор кутиш стратегиясини тавсия қилишади, асоратларни қайтарилувчанлигини билиш учун. Бироқ, юрак-қон томир хавфи ва субклиник гипотиреоз бўлган беморларда комплекс даво олиб борилиши керак (Jan Calissendor ва бошқалар 2020).

Мамлакатимизда қалқонсимон без касалликлари эпидемиологияси, даволаш ва асоратларининг олдини олиш бўйича кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Йод танқислиги бўлган худудда болалар ва ўсмирларда асаб тизимининг шикастланиши (Джурабекова А.Т., Гофуров Б.Г. 2003), йод танқислиги патологияси фонида эпилепсиянинг клиник ва

патогенетик хусусиятлари ва муаммолари (Абдуллаева Н.Н., Гофуров Б.Г. 2004), диффуз нотоксик бўқоқ ва аутоиммун тироидит бўлган ҳомиладор аёлларни ўз вақтида адекват даволаш туғруқ асоратлари ва неонатал патологиянинг ривожланишини 2-3 баравар камайиши аниқланган (С.И. Исмоилов 2018), йод танқислиги ҳолатлари ва уларнинг олдини олиш (Эрматов Н.Ж. 2017, Ахмаджонов А.К. 2018 йил), аммо неврологик ва когнитив асоратларнинг олдини олишга ёндашувларни такомиллаштириш бўйича тадқиқотлар долзарблигича қолмоқда.

Шу муносабат билан, гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик асоратларнинг клиник ва диагностик хусусиятларини аниқлаш, ихтисослаштирилган шкалалар ва тестлар ёрдамида гипотиреозда когнитив функциялар ҳолатини баҳолаш, гипотиреозда когнитив функцияларга хавф омилларни таъсирини аниқлаш, гипотиреоз маркерлари ва когнитив фаолиятни тест натижалари ўртасидаги корреляцион таҳлилини ўтказиш ва тадқиқот натижаларига кўра даволаш ва диагностика ёндашувларини оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифларни ишлаб чиқишга қаратилган илмий тадқиқот ўтказиш муҳим аҳамиятга эга

**Диссертация мавзусининг тадқиқотининг бажарилаётган олий ўқув юртининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент тиббиёт академиясининг илмий тадқиқотлар режасига мувофиқ 01.15.00156 рақамли “Мигреннинг асоратли формалари, МНС ОИВ инфекцияси, ўткир ва сурункали цереброваскуляр касалликлар, деменциянинг клиник-неврологик, нейроиммунологик, генетик, патобиохимик, нейровизуалогик хусусиятларини ўрганиш” мавзусидаги илмий лойиха доирасида бажарилган (2015-2020).

**Тадқиқотнинг мақсади** йод танқислиги шароитида гипотиреозда когнитив бузилишларни эрта ташхислаш ва бирламчи профилактикага ёндашувларни такомиллаштириш орқали диагностика ва даволаш алгоритминини оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

йод танқислиги шароитида гипотиреоз билан оғриган беморларда эрта клиник-неврологик кўринишларни аниқлаш;

ихтисослаштирилган шкалалар ва тестлар ёрдамида гипотиреозда когнитив функцияларни баҳолаш (ММСЕ, МоСА, FАВ -фронтал дисфункция тести, семантик боғланган ассоциациясилар тести, кераксизларни истисно қилиш усули);

гипотиреоз билан оғриган беморларда когнитив функцияларга таъсир килувчи омилларни аниқлаш ва уларни қиёсий баҳолаш;

гипотиреознинг лаборатор маркерлари (ТТГ, свТ4) ва шкалалар натижалари (ММСЕ, МоСА, FАВ - фронтал дисфункция тести) ўртасида корреляцион боғлиқликни аниқлаш;

гипотиреозда когнитив функциялар ҳолатини яхшилашга қаратилган диагностика ва даволаш алгоритминини оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти.** Асосий гуруҳни Андижон вилоят эндокринология диспансери ва “Муроджон” МЧЖ хусусий клиникасида эндокринолог ва невропатолог назоратида бўлган 90 нафар гипотиреоз синдроми аниқланган беморлар ва 30 нафар амалий соғлом киши назорат гуруҳини ташкил этди.

**Тадқиқотнинг предмети** сифатида клиник неврологик статусни комплекс текшируви, қон зардоби, ултратовуш ва нейровизуализацион тадқиқотлар натижалари ташкил қилди.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда клиник-неврологик, нейropsychологик (ММСЕ, МоСА, FAB -фронтал дисфункция шкалалари, семантик воситачилик ассоциацияси учун тест, кераксизларни истисно қилиш усули), инструментал (МРТ, УТТ), лаборатор ва статистик усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

гипотиреозда эрта неврологик бузилишлар: пай рефлекслари пасайиши, оёқ ва қўлларнинг дистал қисмида гипестезия ва координацияни бузилиши эканлиги, эрта когнитив бузилишлар эса: хотира пасайиши, гнозис ва диққатни бузилиши эканлиги аниқланган;

гипотиреоз билан хасталанган беморларда тиреоид гормонлар нейроспецифик оқсиллар синтезида иштирок этгани сабабли, эркин Т4 ва когнитив фаолиятни баҳолаш шкалалари кўрсаткичлари ўртасида тўғри корреляцион боғлиқлик, шунингдек ТТГ ва когнитив фаолиятни баҳолаш шкалалари кўрсаткичлари ўртасида тескари корреляцион боғлиқлик аниқланган;

гипотиреоз билан хасталанган ёш ва ўрта ёшдаги беморларда когнитив бузилишларнинг авж олишида анемия ва депрессия ҳолатлари предикторлиги аниқланган;

йод танқислиги шароитида субклиник гипотиреозда неврологик ва когнитив асоратларлар ўрин босувчи терапиядан сунг қайтарилувчан бўлиши, манифест гипотиреозда эса асоратлар турғун ва ифодаланган намоён булиши исботланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагилардан иборат:

гипотиреоздаги неврологик ва когнитив бузилишларнинг клиник хусусиятларини билиш ушбу тоифадаги беморларда диагностика ва профилактикани яхшилашда ва тўғри даволашни ташкиллаштиришда таклиф қилинган;

гипотиреозда когнитив бузилишларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларни эрта аниқлаш бирламчи профилактикани ва даволаш самарасини яхшилашда таклиф қилинган;

гипотиреозда когнитив бузилишларни ташхислаш ва даволашни такомиллаштириш буйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Ишда қўлланилган илмий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада беморлар танланганлиги, қўлланилган лаборатор-инструментал усулларнинг замонавийлиги, бири иккинчисини тўлдирадиган

клиник, неврологик, когнитив фаолиятни баҳолаш тестлари ва тадқиқот натижаларини ҳар томонлама таҳлил қилинганлиги, тўғри статистик маълумотлар билан олинган натижаларни қайта ишланганлиги, хулоса ва олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани билан асосланади.

#### **Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти:**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти лаборатор ва инструментал текширувлар ва нейропсихологик тестлардан фойдаланган ҳолда гипотиреозда когнитив бузилишларнинг эрта ташхислаш, олдини олиш ва назорат қилишда; неврология ва эндокринология, хусусан, соматоневрология ва нейроэндокринология соҳасидаги билимларни кенгайтиришда хизмат қилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти гипотиреоз билан оғриган беморларни мунтазам равишда неврологик ва нейропсихологик тестлардан иборат хусусан, ММСЕ ва МоСА шкалалари ёрдамида текширув ўтказилиб туриш кераклиги, оғир асоратларни ривожланиш хавфини олдини олиш мақсади билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Йод танқислиги шароитида гипотиреозда когнитив бузилишларни даволаш ва олдини олиш усулларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижаларга асосланиб:

“Гипотиреоз билан хасталанган беморларда когнитив функциялар ҳолатини баҳолаш” услубий тавсияномаси ишлаб чиқилди (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан тасдиқланган, 02.08.2021 йилдаги 8н-р/711-сонли гувоҳнома). Ушбу услубий тавсия эрта ташхис қўйиш ва гипотиреозда когнитив бузилиш терапиясининг самарадорлигини кузатишни имконини берган;

соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон вилояти эндокринология диспансерининг тиреодология бўлимида ва Андижон шаҳар тиббиёт бирлашмаси невропатолог ва эндокринолог кабинетларида жорий қилинган (Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 12 октябрдаги 8н-з/358 сонли хулосаси). Олинган натижаларни амалиётга татбиқ этиш гипотиреозда когнитив бузилишларни эрта ташхислашни яхшилаш ва тезлаштириш, тўғри ёндашув орқали терапия самарадорлигини ошириш, терапевтик таъсирга эришиш вақтини қисқартириш ҳамда, беморларнинг ҳаёт сифатни яхшилаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Ушбу тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан, 2 та халқаро ва 2 та республика миқёсида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши.** Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та босма иши чоп этилган, шундан 5 та илмий мақола, шу жумладан 3 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертациянинг тузилиши кириш, тўрт боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 115 бет.

## **ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ**

**Кириш** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари асосланади, унинг объекти ва предмети аниқланади, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикасида фан ва техникани ривожлантиришнинг устувор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилади, илмий тадқиқот ишларининг асосий йўналишлари кўрсатилади, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари, уларнинг илмий-амалий аҳамияти, тадқиқот натижалари амалиётга татбиқ этилиши, чоп этилган мақолалар ва диссертация тузилиши ҳақида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **"Гипотиреозда когнитив ва неврологик бузилишлар тўғрисида замонавий тушунчалар (адабиёт шарҳи)"** деб номланган биринчи бобида жаҳонда ўтказилган тадқиқот натижалари, шунингдек, хорижий ва маҳаллий адабиётларни батафсил кўриб чиқилган. Гипотиреозда когнитив бузилишларнинг этиологияси, патогенези, диагностикаси ва хавф омиллари тўғрисида илмий ва амалий маълумотлар таҳлил қилинади, гипотиреозда неврологик касалликларнинг хусусиятлари, когнитив бузилишларнинг ривожланишига ёрдам берувчи омиллар ўрганилади, ҳал этилмаган ёки аниқлаштиришни талаб қиладиган жиҳатлар аниқланган.

Диссертациянинг **"Йод танқислиги шароитида гипотиреоз касаллигида когнитив фаолият ҳолатини баҳолаш бўйича тадқиқот усуллари ва материаллари"** деб номланган иккинчи бобида тадқиқотида фойдаланилган материал ва тадқиқот усуллари баён этилган. Уч гуруҳга бўлинган 120 нафар беморни кенг қамровли тадқиқот натижалари диссертация ишининг асосини ташкил қилган: I гуруҳга гипотиреоз лаборатор-инструментал текширув оркали тасдиқланган 40 нафар бемор киритилган, улар эндокринолог ва невролог маслаҳати билан биргаликда стационар даволанган (9 эркак (22,5%) ва 31 аёл (77,5%) 18 ёшдан 44 ёшгача); II гуруҳга гипотиреоз лаборатор-инструментал текширув оркали тасдиқланган, эндокринологда амбулатор даволанишдан ўтган ва фақат ўрин босувчи терапияси ва керак бўлганда йод препаратларини олган 50 нафар бемор (6 эркак (12,0%) ва 44 аёл (88,0%) 18 ёшдан 44 ёшгача) бўлган ва НГ - шартли назорат гуруҳига 18 ёшдан 44 ёшгача бўлган эутиреоз ҳолатини лаборатор-инструментал текширув оркали тасдиқланган 30 нафар бемор (17 эркак (56,67%) ва 13 аёл (43,33%)), хусусий тиббий муассасаларда профилактик текширувдан ўтганда киритилган.

Чеклаш мезонлари қуйидагилар эди: ёши 18 дан кичик ва 44 ёшдан катта; тиротоксикоз синдромининг мавжудлиги; иккиламчи ва учламчи гипотиреоз; цереброваскуляр касалликлар; юрак-қон томир касалликлари (ишемик юрак касаллиги, гипертензия ва бошқалар); бош-мия травматик шикастланиши;

бошқа соматик, хусусан, когнитив функцияларга таъсир қилувчи неврологик касалликлар; ҳомиладор ва эмизикли; тадқиқот бошланишидан 3 ой олдин антидепрессантлар, ноотроп ва антиэпилептик препаратларни қабул қилиш.

Гипотиреоз ташхиси оғирлик даражасини ҳисобга олган ҳолда эндокринологлар томонидан кўйилди, неврологик ва когнитив бузилишларни баҳолаш невролог томонидан амалга оширилди. Текширилган беморлар, гипотиреоз ҳолатининг оғирлигини ҳисобга олган ҳолда, тўртта кичик гуруҳга бўлинган: IA ва IIА гуруҳи субклиник гипотиреоз (СГ) бўлган беморлардан иборат бўлиб, мос равишда 25 (27,8%) ва 30 (33,3%) нафарни ташкил этган. IB ва IIБ гуруҳлари манифест гипотиреоз (МГ) бўлган беморларни, мос равишда 15 (16,7%) ва 20 (22,2%) нафар беморни ташкил этган.

Қалқонсимон безининг функционал ҳолати гормонал тадқиқот натижаларига кўра баҳоланди: қон зардобида гипофиз безининг тиреотроп гормони (ТТГ) ва қалқонсимон без гормони - тироксин (Т4) миқдорини аниқлаш оркали. Тадқиқот радиоимунологик усул тест тўпламлари ёрдамида амалга оширилди. Амалдаги усуллар учун нормал қийматлар: ТТГ - 0,4-4,0 мМЕд/мл; Т3 - 1,2-2,8 пмоль/л; fТ4 -9,0-22,0 пмоль/л, Анти ТПО - 30 МЕ/мл гача.

Клиник текширув режаси, албатта, соматик ҳолатни баҳолашни ва неврологик ҳолатни стандарт схема бўйича невролог томонидан батафсил текширишни ўз ичига олади. Унда беморларнинг ва уларнинг қариндошларидан батафсил касаллик тарихи, касалликнинг динамикаси, терапия усулларининг давомийлиги ва самарадорлиги (барча илгари кўлланилган дори воситалари, уларнинг дозалари, ножўя таъсирлари, дори воситаларини тўхтатиш сабаблари), соматик ва неврологик ҳолатни батафсил таҳлили, ўн иккита краниал нервлар, ҳаракат сфераси (фаол ва пассив ҳаракат, мушак тонуси, парез ва фалаж мавжудлиги, пай рефлекслари, шиллик пардалардан рефлекслар, патологик рефлекслар) функциясини; сезги сфераси (юзаки, чуқур ва мураккаб сезувчанлик), вегетатив тизимни, шунингдек, координация бузилиши, менингеал белгилар, юқори асаб тизимининг дисфункциялари мавжудлиги ўрганиш билан ўтказилган.


Когнитив дисфункциянинг гипотиреоз билан алоқасини ўрганиш учун неврологияда халқаро ва умумий қабул қилинган тестлардан фойдаланилган ҳолда нейропсихологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқотга киритилган тестлар гипотиреозда когнитив бузилишларни аниқлашга қаратилган. Клиник хусусиятлари ва гипотиреоз билан оғирган беморларни нейропсихологик ўрганиш натижалари гипотиреознинг оғирлиг даражасини ҳисобга олган ҳолда таҳлил қилинди. Когнитив функцияни экспериментал ўрганиш қуйидаги усуллар билан амалга оширилди: ММСЕ, МоСА, "FAB-фронтал дисфункция батареяси" тести, семантик боғланган ассоциациялар тест ва кераксизларни истисно қилиш усуллари.

Олинган барча натижалар стандарт Microsoft Office Excell-2019 дастурлар пакети ёрдамида қайта ишланди ва вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистика усуллари билан ҳам фойдаланилди. Ўртача арифметик (М) ва ўртачанинг стандарт хатоси (м) ҳисоблаб чиқилган. Натижаларнинг

аҳамияти Стъюдент-тести (t), Спирман корреляция коэффициенти, Пирсон  $\chi^2$  критерияси, Манна-Уитни U-критерияси, Уилкоксон критерияси ёрдамида хато эҳтимоли ҳисобланган (p). Ишончлилик  $p < 0,05$  даражасида ҳисобланган.

Диссертациянинг **"Гипотиреоз билан хасталанган беморларни дастлабки текшириш натижалари"** деб номланган учинчи бобида субъектив маълумотлар, клиник ва неврологик тадқиқот натижалари, когнитив қобилиятларни баҳолаш, когнитив бузилишнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларнинг таъсири, гипотиреоз маркерлари ва когнитив функцияни баҳолаш шкалалари натижалари ўртасида корреляцияни аниқлаш натижалари кўрсатилган.

Асосий тадқиқот гуруҳларининг олинган субъектив маълумотлари деярли бир хил эди. Иккала гуруҳда ҳам хотирани пасайиши (I гуруҳ - 77,5%, II гуруҳ - 66,0%) ва уйқу бузилиши (I гуруҳ - 67,5%, II гуруҳ - 68,0%) шикоятлари кўпроқ, оёқ ва қўлларда уюшишга (I гуруҳ - 55,0%, II гуруҳ - 62,0%), бош оғриғига (I гуруҳ - 55,0%, II гуруҳ - 60,0%) ва бош айланишига (I гуруҳ - 55,0%, II гуруҳ - 54,0%) камроқ қайд этилган (1-расм). Гуруҳ ичидаги маълумотларни таҳлили шуни кўрсатдики, МГ бўлган беморларда СГга қараганда статистик жиҳатдан ишончлироқ шикоятлар қайд этилган ( $p < 0,005$ ,  $p < 0,001$ ) (1-жадвал).



**Расм. 1. Субъектив белгиларни умумий куруниши**

Тадқиқотнинг асосий гуруҳларида қайд этилган неврологик бузилишлар ўхшаш эди. Неврологик текширув натижасида кўпроқ пай рефлексларининг пасайиши (I гуруҳ - 72,5%, II гуруҳ - 74,0%), координациянинг бузилиши (I гуруҳ - 77,5%, II гуруҳ - 54,0%), оёқ-қўлларнинг сезгиси бузилиши (I гуруҳ - 67,5%, II гуруҳ - 68,0%) ва камроқ юз нервининг парези (I гуруҳ - 20,0%, II гуруҳ - 20,0%), оғиз автоматизми рефлекслари (I гуруҳ - 10,0%, II гуруҳ - 6,0%) ва патологик рефлекслар (I гуруҳ - 12,5%, II гуруҳ - 10,0%), (2-расм) аниқланди.


Жадвал 1.

## СГ ва МГ гуруҳларда субъектив маълумотларни солиштириш

Шикоятлар	СГ (55 пац. = 100%)	МГ (35 пац. = 100%)
Зўриқиш бош оғриғи*	11 (20,0%)	18 (51,4%)
Гемикраниалгия	8 (14,5%)	15 (42,8%)
Бош айланиши **	22 (40,0%)	27 (77,0%)
Қўл ва оёқларда уюшиш **	24 (43,6%)	29 (83,0%)
Хотира пасайиши **	31 (56,4%)	33 (94,3%)
Уйқу бузилиши **	30 (54,5%)	31 (88,6%)

Эслатма – \*  $p < 0,005$ , \*\*  $p < 0,001$

Статистик таҳлил натижалари, субъектив маълумотларни таҳлил қилишда бўлгани каби, неврологик асоратларнинг клиник кечиши ва қай даражада намоён бўлиши гипотиреознинг оғирлик даражасига ( $p < 0,005$ ,  $p < 0,001$ ) тўғри пропорционал боғлиқлигини тасдиқлади (2-жадвал).



Расм. 2. Беморлардаги неврологик бузилишлар

Жадвал 2


## Асосий гуруҳнинг СГ ва МГ (I + II гуруҳлари) билан оғриган беморларнинг неврологик ҳолати натижаларини таққослаш

Симптомлар	СГ (55 бемор)	МГ (35 бемор)
юз асимметрияси	7 (12,7%)	11 (31,4%)
орал автоматизм рефлекслари	0	7 (20,0%)
пай рефлекслар пасайиши *	33 (60,0%)	31 (88,6%)
координация бузилиши*	29 (52,7%)	29 (82,9%)
қўл ва оёқларда сезги бузилиши **	29 (52,7%)	32 (91,4%)
Патологик рефлекслар	0	10 (28,6%)

Эслатма – \*-  $p < 0,005$ , \*\*-  $p < 0,001$

Когнитив соҳани ўрганишда олинган таҳлил натижалари гуруҳ кўрсаткичларининг ўхшашлигини ва СГ ва МГ кичик гуруҳлари ўртасидаги аниқ фарқни кўрсатди. КБни аниқлашда Монреал шкаласи ёрдамида юқори самарадорлик аниқланди: СГ (I-гуруҳ:  $24,5 \pm 0,26$ ; II-гуруҳ:  $24,6 \pm 0,25$ ); МГ (I-гуруҳ:  $22,7 \pm 0,35$ ; II-гуруҳ:  $22,8 \pm 0,33$ ); ММСЕ шкаласи биров камроқ самарадорлик эга бўлиб чиқди: СГ (I-гуруҳ:  $26,76 \pm 0,23$ ; II-гуруҳ:  $26,67 \pm 0,25$ ); МГ (I-гуруҳ:  $25,13 \pm 0,47$ ; II-гуруҳ:  $25,3 \pm 0,34$ ). Энг паст самарадорлик батареянинг фронтал дисфункцияси тест натижалари кўрсатди: СГ (I-гуруҳ:  $15,72 \pm 0,23$ ; II-гуруҳ:  $15,8 \pm 0,21$ ); МГ (I-гуруҳ:  $13,8 \pm 0,46$ ; II-гуруҳ:  $13,9 \pm 0,36$ ), (3-расм).

Бир қарашда гипотиреозда етарли даражада самарали бўлмаган FAB тести аслида миянинг фронтал қисми ёки субкортикал тузилмаларининг шикастланиши билан боғлиқ когнитив бузилишлар гипотиреознинг кейинги босқичларида пайдо бўлишини кўрсатади. Амалдаги шкалаларнинг турли даражада самарадорлигига қарамай, улар МГ да оғирроқ КБ аниқланганлигини кўрсатди. Бундан келиб чиқадики, гипотиреоз билан хасталанган беморларда КБнинг оғирлиги гипотиреознинг оғирлигига тўғридан-тўғри боғлиқдир.



Расм. 3. Асосий гуруҳлар ва НГда КФни баҳолаш натижалари


Тадқиқот давомида турли даражаларда ифодаланган, шунингдек, моно-ёки поли-функционал бузилишлар шаклида намоён бўлган турли хил КБ аниқланди. СГда хотира пасайиши, гнозис ва эътиборнинг бузилиши кўпроқ аниқланган, МГда эса комплекс ҳаракатлар мажмуасини бажаришда, ижро этувчи функциянинг, нутқнинг бузилишлари ва умумлаштириш даражасининг пасайишида қийинчиликлар пайдо бўла бошлади.

Тадқиқот давомида депрессияни аниқлаш учун гипотиреоз билан оғриган беморларнинг психоэмоционал ҳолатини баҳолаш ҳам ўтказилди. Гипотиреоз билан оғриган беморларнинг хавотир ва депрессив ҳолатга мойиллиги, шунингдек, хавотир ва депрессия синдромларининг оғирлиги гипотиреознинг оғирлиг даражасига боғлиқлиги аниқланди. Депрессия билан оғриган

беморлар гуруҳини аниқлаш КБ авж олишида ёрдам берадиган хавф омилларини кейинги боскичда ўрганиш учун муҳим элемент эди.

Қуйидаги лаборатор ва инструментал тадқиқотлар ўтказилган: гормонал таҳлил (ТТГ, f.T4) гипотиреознинг оғирлигини ва гипотиреоз билан КБ белгилари ўртасидаги корреляцияни аниқлаш учун, хавф омили сифатида анемияни аниқлаш учун умумий қон таҳлили, қалқонсимон безнинг ултратовуш текшируви - структура ўзгаришларни аниқлаш учун, бош миянинг МРТси - мия шикастланиши ўчоқларини аниқлаш ва КБни келтириб чиқарадиган бошқа патологияни истисно қилиш учун.

Нейровизуализация маълумотлари шикастланиш ўчоқларини тасдиқлаш ва мия оқ моддасининг яширин шикастланишни аниқлаш имконини беради. Гипотиреоз билан оғриган беморларда миянинг МРТ текшируви қуйидаги нейровизуализацион ўзгаришларини аниқлади: бош мияда атрофик ўзгаришлар қоринча тизимининг кенгайиши, пўстлоқ ариқчалари ва субарахноидал бўшлиқнинг кенгайиши шаклида 20,0% ҳолларда (8 бемор) I гуруҳда, 18,0% (9 киши) II гуруҳда; периваскуляр Вирхов-Робин бўшлиқлари кенгайиши 12,5% ҳолларда I гуруҳда (5 киши), 14,0% (7 киши) II гуруҳда (4-расмга қаранг).




**Расм-4. Аниқланган МРТ ўзгаришлар**

Шундай қилиб, аниқланган когнитив бузилишларни тасдиқловчи МРТдаги хос ўзгаришлар кўпроқ оғирроқ даражада кечаётган гипотиреозда ва касаллик узоқ вақт давомида безовта қилганида аниқланган. Гипотиреоз билан оғриган беморларда МРТ томонидан аниқланган мия ўзгаришларининг визуал тасвирини 5-расмда кўриш мумкин.

МРТ томонидан аниқланган барча ўзгаришлар манифест гипотиреоз билан оғриган беморларда топилган. Ўтказилган нейровизуализацион тадқиқот қалқонсимон безнинг оғир ва узоқ муддатли гипофункцияси миянинг органик шикастланиши орқали когнитив бузилишларга олиб келишини исботлайди.

КБ ривожланишига ҳисса қўшадиган омилларни аниқлаш муҳим эди, чунки бу омиллар гипотиреознинг когнитив функцияларга таъсирини шубҳа остига қўйди. Беморларда КФга таъсир қилувчи қуйидаги омиллар аниқланди:

ирсият, камқонлик, таълим даражаси (ўрта ва олий маълумот), ёмон одатлар (чекиш, спиртли ичимликларни истеъмол қилиш), депрессия, касб (жисмоний ёки ақлий меҳнат билан боғлиқ).



**Расм-5. Бош мия атрофик ўзгаришлари гипотиреоз билан хасталанган беморда**

Статистик таҳлил МоСА тести натижаларига кўра ўтказилди - КБ аниқлашда энг самарадор шкала сифатида ва МГ билан касалланган беморларнинг натижалари билан қиёсий таҳлил ўтказилди. Анемияда (23,4 балл); депрессия (23.1); жисмоний меҳнат билан боғлиқ касбий фаолият (23,5) статистик аҳамиятга эгаллиги тасдиқланди, ( $p < 0,05$ ), лекин кўрсаткичлар МГ га нисбатан паст бўлган (ўртача балл: I-гурух -22,7; II-гурух -22,8) (6-расм). Бу гипотиреоз билан оғриган беморларни текширишда хавф омилларини ҳисобга олиш, шунингдек, кейинги терапияда ушбу омилларни бартараф этиш муҳимлигини англади.


Ўтказилган корреляцион таҳлил қуйидаги натижаларни кўрсатди:

- МоСА билан I гуруҳда аниқланди: статистик жиҳатдан юқори тесқари корреляция  $r_s$  (МоСА, ТТГ) = -0,772, ( $p < 0,05$ ) ва статистик жиҳатдан ўртача тўғри корреляция  $r_s$  (МоСА, свТ4) = 0,464, ( $p < 0,05$ ); II гуруҳда: статистик жиҳатдан юқори тесқари корреляция  $r_s$  (МоСА ва ТТГ) = -0,759, ( $p < 0,05$ ) ва статистик жиҳатдан аҳамиятли тўғри корреляция  $r_s$  (МоСА ва св Т4) = 0,518, ( $p < 0,05$ ), (7-расм).


- ММСЕ билан I-гурухда аниқланди: статистик жиҳатдан юқори тесқари корреляция  $r_s$  (ММСЕ ва ТТГ) = -0,754, ( $p < 0,05$ ) ва статистик жиҳатдан ўртача

тўғри корреляция  $r_s$  (ММСЕ ва свТ4) = 0,484, ( $p < 0,05$ ); II гуруҳда: статистик жиҳатдан аҳамиятли тескари корреляция  $r_s$  (ММСЕ ва ТТГ) = -0,631, ( $p < 0,05$ ) ва статистик жиҳатдан ўртача тўғри корреляция  $r_s$  (ММСЕ ва ФТ4) = 0,424, ( $p < 0,05$ ), (7-расм).

- FAB билан I гуруҳда аниқланди: статистик жиҳатдан аҳамиятли тескари корреляция  $r_s$  (FAB ва ТТГ) = -0,693, ( $p < 0,05$ ) ва статистик жиҳатдан ўртача тўғри корреляция  $r_s$  (FAB ва свТ4) = 0,358, ( $p < 0,05$ ); II гуруҳда: статистик жиҳатдан аҳамиятли тескари корреляция ( $r_s$  (FAB и ТТГ) = -0,666, ( $p < 0,05$ ), и ва статистик жиҳатдан аҳамиятли тўғри корреляция  $r_s$  (FAB и св.Т4) = 0,559, ( $p < 0,05$ ), (7-расм).



**Расм-6. Омилларни МоСА натижаларига таъсири**



**Расм-7. Гипотиреоз маркерлари ва шкалалар натижалари ўртасида корреляция**


Шундай қилиб, гипотиреоз маркерлари ва шкалалар натижалари ўртасида аҳамиятга эга тўғри ва тесқари корреляция аниқланди, бу гипотиреоз синдроми бўлган беморларда КБ ривожланишида ва қай даражада намоён бўлишида гормонал омилнинг ролини тасдиқлайди.

Таҳлил қилганда, манифест гипотиреоз билан оғриган беморларда когнитив бузилишлар устунлик қилганлигини айтиш мумкин.

Диссертациянинг "Даволаш ўтказилгандан кейинги текшириш натижалари" деб номланган тўртинчи бобида, гипотиреозда қўлланилган иккита терапевтик дастурнинг самарадорлигини қиёсий баҳолашни натижалари тақдим этилади.

I-гурух беморлари невролог билан биргаликда эндокринолог томонидан стационар даволанишган: левотироксин натрий билан ўринбосувчи терапия (эндокринолог томонидан индивидуал равишда белгиланган), йод препаратлари, нейропротектив даво (холин алфосерат: 1000мг/4мл физиологик эритмада томир ичига томчилатиб юбориш № 10 кун, кейин 1 ой давомида кунига 2 марта 400 мг 1 капсуладан), когнитив тренинг (Квик усули, нейробика принципи бўйича), аэробик машқлар. II-гурухдаги беморлар эндокринолог томонидан асосий касалликни даволашга қаратилган амбулатор равишда даволанишган ва неврологнинг клиник назорати остида бўлганлар: левотироксин натрий билан ўринбосувчи терапия (эндокринолог томонидан индивидуал равишда доза белгиланган), йод препаратлари.


Касалликнинг клиник белгилари ва неврологик ҳолатни ўрганишда иккала терапевтик дастурнинг ижобий самарадорлиги аниқланди. Аммо ўрганилаётган иккала гуруҳдаги умумий неврологик ҳолатни ижобий динамикасининг юқори статистик аҳамияти ( $p < 0,01$ ) аниқланганлигига қарамай, I-гурух кўрсаткичлари иккинчисига қараганда нисбатан яхшироқ эди (8-расм).




**Расм 8. Даволашдан олдин ва кейин неврологик ҳолатнинг динамикаси**

Хусусан, I гуруҳдаги оғиз автоматизми ва патологик Бабинский рефлeksi тўлиқ регрессияланган (даволашдан олдин 10,0% ва 12,5%, даволашдан кейин 0%), II гуруҳда эса пасайиш кузатилган (даволашдан олдин 14,0% ва 10,0%,

даволанишдан кейин мос равишда 4,0% ва 2,0%); юз нервнинг парези I гуруҳда 20,0% дан 10,0% гача, II гуруҳда 20,0% дан 12,0% гача; пай рефлексларининг камайиши I гуруҳда 72,5% дан 32,5% гача, II гуруҳда 74,0% дан 56,0% гача; I гуруҳда 77,5% дан 22,5% гача, II гуруҳда 50,0% дан 38,0% гача; қўл ва оёқларда сезувчанлик бузилиши I гуруҳда 67,5% дан 27,5% гача II гуруҳда 68,0% дан 44,0% гача (9, 10-расм).



**9-расм. Даволашдан олдин ва кейин I гуруҳдаги беморларда неврологик бузилишлар**




**10-расм. Даволанишдан олдин ва кейин II гуруҳдаги беморларда неврологик бузилишлар**

Ўтказилган терапевтик дастурларнинг самарадорлигини статистик таҳлил қилиш қуйидаги натижаларни кўрсатди:


- I-гуруҳдаги МоСА тестига кўра: КФда статистик жиҳатдан сезиларли яхшиланиш аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $23,8 \pm 0,25$ , кейин- $25,6 \pm 0,26$ ; II гуруҳда: КФда статистик жиҳатдан сезиларли яхшиланиш аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $23,9 \pm 0,24$ , кейин- $25,0 \pm 0,2$  (11-расм);

- I-гуруҳдаги ММСЕ шкаласи бўйича: КФнинг статистик жиҳатдан муҳим ижобий динамикаси аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $26,15 \pm 0,26$ , кейин- $27,7 \pm 0,23$ ; II гуруҳда: КФнинг статистик жиҳатдан муҳим ижобий динамикаси аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $26,12 \pm 0,22$ , кейин- $27,2 \pm 0,2$  (12-расм);




**11-расм. I- ва II-гурӯҳларнинг МоСА кўрсаткичларини таққослаш**

- I-гурӯҳдаги FAB тестига кўра: КБни даволашда статистик жиҳатдан аҳамиятли самарадорлик аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $15,0 \pm 0,27$ , кейин- $16,05 \pm 0,21$ ; II гуруҳда: КФнинг статистик жиҳатдан муҳим ижобий динамикаси аниқланди ( $p < 0,01$ ), ўртача балл: олдин- $15,02 \pm 0,23$ , кейин- $15,7 \pm 0,2$  (13-расм);



**12-расм. I- ва II-гурӯҳларнинг ММСЕ натижаларини таққослаш**



**13-расм. I- ва II-гурӯҳларнинг FAB кўрсаткичларини таққослаш**

Гипотиреоз билан оғриган беморларда неврологик ва когнитив ҳолатдаги ўзгаришлар динамикаси биринчи гуруҳда даволаш дастурининг иккинчисига нисбатан юқори самарадорлигини кўрсатди.

Шундай қилиб, статистик таҳлил натижалари гипотиреозда когнитив бузилишнинг ўрганилаётган муаммоларининг муҳим ролини кўрсатади. Шунинг учун бизнинг маълумотларимиз диагностика ва прогностик белгилар сифатида ишлатилиши мумкин.

Клиник неврологик тадқиқот натижаларини таҳлил қилиш, когнитив функцияни шкала бўйича баҳолаш (ММСЕ, МоСА, FAB-фронтал дисфункция тести, семантик воситачилик ассотсиатсияси учун тест, кераксизларни истисно қилиш усуллари), хавф омилларнинг аниқланган таъсири, касалликнинг биокимёвий белгилари, ўтказилган корреляцион таҳлил, асосида гипотиреознинг субклиник ва манифест шаклларида когнитив функциялар ҳолатини олдини олиш ва яхшилашга қаратилган диагностика ва даволаш алгоритмини оптималлаштириш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Даволашдан олдин ва кейин олинган маълумотлар таҳлил қилинди ва таққосланди ва гипотиреоз билан оғриган беморларда когнитив ва неврологик касалликларни даволаш ва олдини олиш комплекс тарзда амалга оширилиши керак деган хулоса қилинди, яъни эндокринолог терапияни неврологнинг маслаҳати билан амалга ошириши керак. Даволаш асосий касалликка йўналтирилиши керак, яъни гипотиреоз ҳолатига, неврологик текширув ва асоратларни ривожланишига ёрдам берадиган хавф омилларини аниқлаш билан биргаликда. Келажакда беморнинг аҳволини ҳисобга олган ҳолда, терапия эндокринолог ва невропатолог томонидан даврий текширув остида неврологик ва когнитив бузилишларни бартараф этишга қаратилган бўлиши керак.

Олинган натижаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш асосида биз гипотиреоз билан оғриган беморларни даволаш бўйича қуйидаги тавсияларни таклиф қиламиз:


1. Йод танқислиги бўлган ҳудуддаги беморларни текширишда, гипотиреозда лаборатор ва инструментал тадқиқотлар билан бир қаторда, беморларни шкала ва тестлар (ММСЕ) бўйича текшириш керак, бу эса когнитив бузилишларнинг ўз вақтида эрта субклиник босқичда аниқлаш имконини беради

2. Гипотиреоз билан оғриган беморларда скрининг шкала бўйича когнитив бузилишларни аниқланганда чуқурлаштирилган невролог текшируви (МоСА шкаласи ва FAB тести бўйича, семантик ва фонетик хотира тести) керак комплекс даво муолажаларини тайинлаш мақсадида

3. Гипотиреозда когнитив бузилишнинг ривожланишига ёрдам берувчи омилларни эрта аниқлаш тўғри патогенетик асосли терапияни ўтказиш имконини беради ва когнитив бузилишнинг бирламчи профилактика чораларини такомиллаштиришга ёрдам беради.

4. Гипотиреозда когнитив бузилишларни эрта аниқлашга қаратилган диагностик ва даволаш алгоритмини оптималлаштириш бўйича тавсия ва

таклифларни ишлаб чиқилган, йод танқислиги бўлган ҳудудларда яшовчи аҳолини диспансер ва клиник кўриқдан ўтказишда невропатолог ва эндокринолог шифокорларга кенг тавсия этиш мумкин.



**Рис. 13. Гипотиреозда когнитив бузилишлар диагностика ва даволаш алгоритми**

## ХУЛОСАЛАР

1. Гипотиреозда эрта неврологик бузилишларлар: координациянинг бузилиши, пай рефлексларининг пасайиши ва полиневритик типда сезги бузилишлар билан қайд этилган. Кейинчалик манифест гипотиреозда VII-жуфти БМНнинг марказий парези, патологик рефлекслар, орал-автоматизм рефлекслари намоён бўлди.

2. Когнитив функцияларни МоСА ва ММСЕ шкаллари бўйича текширилганда, натижалар субклиник гипотиреозда хотира пасайиши, гнозис ва диққатнинг бузилиши устунлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ), манифест гипотиреозда эса, ижро этувчи функциянинг, нутқнинг бузилиши, умумлаштириш даражасининг пасайиши ва комплексни ҳаракатларни бажаришда қийинчилик FAB шкаласи бўйича кўшимча наъмоён бўлиши аниқланди ( $p < 0,05$ ). Юқори кортикал функцияларнинг бузилишининг ривожланиши гипотиреознинг оғирлик даражасига боғлиқлиги аниқланди ( $p < 0,05$ ).

3. Тадқиқот жараёнида ёш ва ўрта ёшдаги гипотиреоз билан хасталанган беморларнинг когнитив соҳасига ирсият, камқонлик, таълим даражаси, иш доираси ва беморнинг психо-эмоционал ҳолати каби омилларнинг таъсири аниқланди. Кўрсатиб ўтилган омиллардан, камқонлик ( $p < 0,05$ ) ва депрессия ( $p < 0,05$ ) когнитив функциянинг ёмонлашишига энг катта таъсир кўрсатди.

4. Ўтказилган корреляцион таҳлил ТТГ даражаси ва КФ баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари (МоСА:  $p < 0,05$ , ММСЕ:  $p < 0,05$ , FAB:  $p < 0,05$ ) ўртасидаги статистик жиҳатдан тесқари корреляцион боғлиқлик ва fT4 ва КФ баҳолаш шкаласи кўрсаткичлари (МоСА:  $p < 0,05$ , ММСЕ:  $p < 0,05$ , FAB:  $p < 0,05$ ) ўртасида статистик жиҳатдан тўғри корреляцион боғлиқлик борлигини кўрсатди. Ушбу ҳолат гипотиреоз билан хасталанган беморларда гормонал омилнинг КБ ривожланишида етакчи ролини исботлайди.

5. Клиник, неврологик текширувлар натижалари, когнитив функцияларни ихтисослаштирилган шкала ва тестлар ёрдамида (ММСЕ, МоСА, FAB - фронтал дисфункция тести, семантик воситачилик ассоциацияси учун тест, кераксизларни истисно қилиш усули) баҳолаш натижалари, аниқланган хавф омиллар таъсири, корелляция натижаларини таҳлил қилиш асосида гипотиреозда когнитив бузилишларни олдини олиш ва ҳолатини яхшилашга қаратилган диагностика ва даволаш бўйича тавсия ва таклифлар ишлаб чиқилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 ПО  
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ  
ЦЕНТРЕ РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ  
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

---

**АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**РАХИМБЕРДИЕВ ШОХРУХБЕК РАВШАНБЕК ЎҒЛИ**

**ОЦЕНКА СОСТОЯНИЙ КОГНИТИВНЫХ ФУНКЦИЙ ПРИ  
ГИПОТИРЕОЗЕ В ЙОДДЕФИЦИТНЫХ УСЛОВИЯХ, ПУТИ  
КОРРЕКЦИИ**

**14.00.13 – Неврология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ  
ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2023**

**Тема диссертации доктора философии (PhD) по медицинским наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Министерстве высшего образования, науки и инноваций Республики Узбекистан за № B2019.2.PhD/Tib925**

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)).

<b>Научный руководитель:</b>	<b>Рахимбаева Гульнора Сагтаровна</b> доктор медицинских наук, профессор
<b>Официальные оппоненты:</b>	<b>Аликулова Нигора Абдукадировна</b> доктор медицинских наук, профессор <b>Раимова Малика Мухамеджановна</b> доктор медицинских наук, доцент
<b>Ведущая организация:</b>	<b>Самаркандский государственный медицинский университет</b>

Защита диссертации состоится « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 г. в \_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.31.01 при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников. (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44; e-mail: [info@timre.uz](mailto:info@timre.uz)).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре при Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников (зарегистрирована за № \_\_\_\_). (Адрес: 100007, Ташкент, Мирзо-Улугбекский район, ул. Паркентская, 51. Тел./факс: (+99871) 268-17-44).

Автореферат диссертации разослан « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 года.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от « \_\_\_\_ » \_\_\_\_\_ 2023 года)

**Х.А. Акилов**  
Председатель научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук,  
профессор

**Н.Н. Убайдуллаева**  
Ученый секретарь Научного совета по присуждению  
ученых степеней, доктор медицинских наук, доцент

**Б.Г. Гафуров**  
Председатель научного семинара при Научном совете  
по присуждению ученых степеней, доктор  
медицинских наук, доцент

## **ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))**

**Актуальность и востребованность темы диссертации.** Сегодня среди всех хронических заболеваний когнитивные нарушения являются основными причинами инвалидности и зависимого положения людей во всем мире, с которой сталкиваются врачи разных специальностей в ежедневной практической деятельности. Согласно статистическим данным ВОЗ «...с когнитивными нарушениями достигшие степени деменции, более 55 млн человек. Ожидается, что к 2030 г. этот показатель вырастет до 78 миллионов, а к 2050 г. – до 139 миллионов»<sup>1</sup>. Гормоны щитовидной железы участвуют в синтезе таких нейроспецифических белков как тубулин, актин, фактор нейронального роста, калбендин и основной белок миелина. По этой причине совершенствования подходов первичной профилактики когнитивных нарушений при гипотиреозе, путём раннего скрининга и своевременного определения адекватной терапии, является одной из важных медико-социальных проблем.

Во всем мире проводится ряд научных исследований по усовершенствованию диагностики и лечебно-профилактических подходов неврологических и когнитивных нарушений при гипотиреозе, в частности определение особенностей патогенетического развития, клинического течения неврологических и когнитивных нарушений при гипотиреозе, сравнительный анализ при сопутствующей патологии (инфаркта миокарда, острого и хронического нарушения мозгового кровообращения, эпилепсии и др.), состояния глиальных клеток при гипотиреозе, совершенствования методов предупреждения развития нейропсихологических осложнений при гипотиреозе и дифференцированного терапевтического подхода с патогенетической точки зрения. Особое значение приобретает разработка рекомендаций и предложений по оптимизации диагностики и лечения когнитивных нарушений при гипотиреозе в йоддефицитных условиях, путем совершенствования подходов ранней диагностики и первичной профилактики.

В нашей республике осуществляются целенаправленные широкомасштабные меры по коренному улучшению качества оказания медицинской помощи населению и совершенствованию системы здравоохранения. В связи с этим, в соответствии с семью приоритетами Стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы, в развитии системы здравоохранения, в поддержании здоровья населения делается «...упор на усиление медицинской профилактики и определены меры по проведению «целевого» скрининга...».<sup>2</sup> Исходя из этих задач целесообразно проведение научных исследований по совершенствованию подходов к профилактике когнитивных нарушений у пациентов с синдромом гипотиреоза в йоддефицитных условиях.

---

<sup>1</sup> <https://www.who.int/ru/news/item/02-09-2021-world-failing-to-address-dementia-challenge>.

<sup>2</sup> Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» от 28.01.2022г.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5590 «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан» от 07.12.2018 г., № УП-60 «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022 — 2026 годы» от 28.01.2022 г., № УП-6110 «О мерах по внедрению принципиально новых механизмов в деятельность учреждений первичной медико-санитарной помощи и дальнейшему повышению эффективности проводимых в системе здравоохранения реформ» от 12.11.2020 г., постановлений Президента Республики Узбекистан № ПП-3071 «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017 — 2021годы» от 20.06.2017 г., № ПП-3925 «О мерах по совершенствованию неврологической помощи населению» от 30.08.2018 г., № ПП-4190 «Об утверждении концепции развития, необходимой для службы охраны психического здоровья населения Республики Узбекистан 2019-2025 годах» от 13.02.2019 г., № ПП-4891 «О дополнительных мерах по обеспечению общественного здоровья путем дальнейшего повышения эффективности работ по медицинской профилактике» от 12.11.2020 г., а также других нормативно-правовых документов, касающихся данной работы

**Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики.** Данное научное исследование проведено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

